



Тилимизни тилаётган тиконлар эътиборсизликдан сув ичмасин!

3-с.

Аёллар дардини ҳис қилиш уларни тинглашдан бошланади

4-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

№7
(2335)

2026 йил
28 ЯНВАРЬ,
ЧОРШАНБА

Маҳалла

ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИН

WWW.UZMAHALLA.UZ

2026 йил — “МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ”

КУН НАФАСИ

МАҲАЛЛА ПРОФИЛАКТИКАСИ ҲАР ҚАНДАЙ ХУҚУҚБУЗАРЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида Тошкент шаҳрида хавфсиз муҳитни шакллантириш ҳамда жамоат хавфсизлигини самарали таъминлаш бўйича намунавий амалиётни яратиш чоратadbирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.



Хар қандай ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда асосий бугун — маҳалла профилактикаси. Бироқ Тошкент шаҳридаги профилактика хизматларининг иши тўғриси ташкил этилмагани учун муаммолар тўпланиб қолгани қайд этилди. Республикадаги 208 та туман ичида Чилонзор оилавий зўравонлик, талончилик, безорилик бўйича, Юнусобод босқинчилик бўйича биринчи ўринда. Ёки ўтган йили Яшнобод ва Мирободда қотиллик, Олмазорда тан жароҳати, Шайхонтоҳурда талончилик ҳолатлари энг кўп бўлган.

Президентимиз наркожиноятчилик ва уюшган гуруҳларга қарши кураш бўйича нарконалларнинг охириги манбаси ва ҳомийларига етиб бориш учун масъулларда қатъият йўқлигини танқид қилди. Чет элга бориб олиб, уюшган жиноий гуруҳлар ташкил қилган, у ерда ўзимизнинг фуқароларни ҳам талаётган шахслар фаолиятига чек қўйишдаги сусткашликлар қайд этилди.

Масъул идоралар уюшган жиноятчилик, наркожиноятлар, кибержиноятчилик ва яширин иқтисодиёт бўйича жилловни қўлга олиши шартлиги кўрсатиб ўтилди. Ушбу 4 та йўналиш бўйича мутлақо янги тизим яратилиб, жараён биринчи навбатда Тошкент шаҳрида бошланди. Жумладан, хавфсиз муҳит яратиш бўйича “пойтахт намунаси” жорий этилади.

Давоми 2-саҳифада.

3-саҳифа



Яхши яшаш, яхши пул топиш учун хорижга кетиш шарт эмас

5-саҳифа



Бугун бир йигитга берсангиз ишонч, эртага ўнлаб ёшга бўлади таянч

УЮШМА КУНДАЛИГИ

ИШСИЗЛИК, КАМБАҒАЛЛИК, ЖИНОЯТЧИЛИККА БАРҲАМ БЕРИШ БЎЙИЧА ОЧИҚ МУЛОҚОТ

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қаҳрамон Қуронбоев бошчилигида маҳаллаларни ишсизлик, камбағаллик, жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш, маҳалла инфратузилмасини яхшилашда бажарилиши лозим бўлган масалалар муҳокамасига бағишланган мулоқот ўтказилди.



Унда вилоят ҳокимлари ўринбосарлари, туман-шаҳар ҳокимликлари мутасаддилари, “маҳалла еттичилиги”га масъул вазирлик ва идоралар раҳбарлари ўринбосарлари иштирок этди. Мулоқотда давлатимиз раҳбарининг Мурожаатномаси ҳамда Хавфсизлик кенгаши йиғилишида белгилаб берилган вазифаларни аҳолига етказиш масаласи кўриб чиқилди. Айрим ҳудудларда тарғибот тadbирларини ташкил этишда йўл қўйилаётган камчиликлар танқидий таҳлил қилинди. Йиғилишда, шунингдек, “Рақамли маҳалла” платформасини ҳамкор ташкилотлар платформалари билан интеграция қилиш ишларини яқунлаш, аҳоли ва кишлоқ ҳўжалигини рўйхатга олиш жараёнларини сифатли ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди.

ЛОЙИҲА



Янги давр маҳалласи: муаммоларга ечим, ташаббусларга қанот

“Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш” йилида устувор йўналишлар бўйича ислохотлар дастурлари ва “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича Давлат дастури тўғрисида”ги Президент фармони лойиҳаси “regulation.adliya.uz” порталига жамоатчилик муҳокамаси учун жойлаштирилди.



Армон лойиҳасига кўра, Маҳаллалар инфратузилмасини такомиллаштириш ва уларга Янги Ўзбекистон кўёфасини олиб кириш бўйича устувор ислохотлар дастури (Маҳалладаги ислохотлар дастури) тасдиқланади. Қуйида мазкур дастур доирасида маҳаллаларда амалга оширилаётган ишларга қисқача тўхталиб ўтамиз.

Маҳаллада 100 мингта иш ўрни яратилади

Дастурга кўра, Маҳаллада саноат ва хизмат кўрсатиш лойиҳаси амалга оширилади. Бу жараёнда маҳаллалар ҳудудда ишлаб чиқариш корхоналари ва хизмат кўрсатиш нуқталарини ташкил этиш учун кредит маблағларини ажратишга 5 триллион сум маблағ йўналтирилади.

Натижа: бу орқали йил якунигача 10 мингдан зиёд ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш лойиҳалари ишга туширилиб, маҳаллаларда кўшимча 100 мингта янги иш ўрни яратилади.

Давоми 2-саҳифада.

БУГУНГИ СОНДА:

“Муаммога ечим излаб, чарчоқ эмас, бахт туяман”

Муҳтожларга ёрдам бериш, бу — нафақат инсонийлик бурчи, балки жамиятнинг жипслиги ва маънавий юксаклигини белгилловчи асосий мезон ҳисобланади.

6-с.

Рўйхатга олиш хавотирми ёки келажак учун зарур қадам?

Атайлаб нотўғри айтилган рақам катта жазога олиб келмаслиги мумкин, лекин у нотўғри ҳисоб-китобларга, ортиқча ишга ва охир-оқибат нотўғри қарорларга сабаб бўлади.

7-с.

Ёлғончининг ёлғонлари фош бўлди

Нега одамлар бунчалар тез ва осон алданишади? Таҳлилларга кўра, бунинг бир қанча сабаблари бор. Кимдир осон ишга ўқишга киришни, кимдир тез бойишни истади...

8-с.



Президент Шавкат Мирзиёев Тошкентда бўлиб ўтаётган ОСИЁ ОЛИМПИА КЕНГАШИНING 46-Бош ассамблеясида иштирок этди ва нутқ сўзлади.




ДАВЛАТИМИЗ РАҚБАРИ ОСИЁ ОЛИМПИА КЕНГАШИ РАХБАРИАТИ ВА ТАШКИЛОТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ ИШТИРОКЧИЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ.



Президент Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари ходимлари кўни муносабати билан ТАБРИК ИУЛЛАДИ.

“МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!”



ЯНГИ ДАВР МАҲАЛЛАСИ: МУАММОЛАРГА ЕЧИМ, ТАШАББУСЛАРГА ҚАНОТ

ЛОЙИҲА

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Маҳаллалар тоифага ажратилади, рейтинг юритилади

Маҳаллаларни аниқ кўрсаткичлар асосида тоифаларга ажратиб, индивидуал тартибда ишлаш орқали улардаги муаммоларни ҳал этиш амалиёти йўлга қўйилади. “Рақамли маҳалла” электрон платформасида маҳаллалар инфратузилма, тадбиркорлик, камбағаллик, ишсизлик, жиноятчилик, низоли оилалар, аҳоли муносабатлари кўрсаткичлари асосида “қизил”, “сарик”, “яшил” тоифаларга ажратилади.

Тегишли туман (шаҳар) ҳокимлари “қизил” ва “сарик” тоифадаги ҳар бир маҳалланинг кўрсаткичларини яхшилаш бўйича йиллик дастур ишлаб чиқади. Ижтимоий ривожланиш ва инфратузилма, тармоқ, давлат ташкилотларининг йиллик дастурларини ишлаб чиқишда “қизил” ва “сарик” тоифадаги маҳаллалар муаммолари биринчи навбатда ҳал этилади.

Натижа: кўрсаткичлари пост маҳаллалар билан фавқулодда ишлаш тартиби жорий этилади. Ҳар бир маҳалланинг аниқ ҳолатини кўрсатиб берувчи паспорти шакллантирилади. Маҳаллаларнинг вилоятлар ва туман (шаҳар)лар кесимидаги рейтинг юритилади.

“Еттилик” ҳар бир хонадонни ўрганади

Маҳаллаларда аҳоли муаммоларини “хонадонбай” ўрганиш ва уларнинг ҳал этилишини давлат ташкилотлари онлайн назорат қилиш тартиби жорий этилади. Бу жараёнда “маҳалла еттилиги” вакиллари ҳар бир хонадон кесимида муаммоларни режа-жадвалга асосан ўрганиб боради, аниқланган муаммоларни “Рақамли маҳалла” электрон платформасига киритади.

Муаммоларни тегишлилиги бўйича “Рақамли маҳалла” электрон платформасида сунъий интеллект орқали тегишли вазирлик ва идораларга тақсимлаш имконияти яратилади.

Натижа: аҳолининг барча муаммоларини ҳал этишни бир вақтнинг ўзida тегишли идорага юклаш ва натижаси бўйича аниқ муддатда сўров қилиш тизими яратилади. 100 дан зиёд давлат ташкилотларининг аҳоли муаммоларини ҳал этишдаги тўғридан-тўғри иштироки таъминланади.

Маҳалла ахборот ва сервис марказлари ташкил этилади

Туманларнинг олис ҳудудларида жойлашган маҳаллалар аҳолиси учун “бир қадам” тамойили асосида давлат, банк ва бошқа хизматлардан фойдаланиш имкониятлари яратилади. Тажриба тариқасида Сирдарё вилоятининг Ховос ва Наманган вилоятининг Янги Наманган туманларида маҳалла ахборот ва сервис марказлари ташкил этилади. Марказлар

фаолияти туман марказидан, қоида тариқасида, 20 километр ва ундан олдига жойлашган 5 та маҳаллада йўлга қўйилади.

Марказларда аҳолига барча турдаги давлат ва банк хизматлари кўрсатиш, тиббий хизматлардан фойдаланиш учун зарур ҳужжатларни тезкор расмийлаштириш шароитлари яратилади. Уларга бириктирилган маҳаллаларнинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари, инфратузилма ва ижтимоий объеклар ҳолати, томорқа ва боғлар, профилактика каби маълумотларни ўзида акс эттирувчи **ситуацион бошқарув платформаси** жорий қилинади.

Натижа: белгиланган туманларда 250 минг нафар аҳоли учун маҳаллаларнинг ўзида 500 га қкин давлат ва банк хизматлари кўрсатилади. 51 та маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари ва инфратузилма ҳолати аниқ кўрсаткичлар асосида назорат қилинади.

Раис тақдимномаси “еттилик” вакилини ишдан бўшатиши

“Маҳалла еттилиги” фаолиятини ташкил этиш жараёнлари ислоҳ қилинади. Ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, ижтимоий ходим ва солиқ инспекторини уларнинг буйсунувидаги ташкилотлар тақдимномасига асосан, туман (шаҳар) ҳокими лавозимга тайинлаши ва фуқаролар йиғини раиси тақдимномасига асосан, лавозимидан озод этиш амалиёти йўлга қўйилади.

500 та маҳаллада тажриба тариқасида “маҳалла еттилиги” вакиллари уларнинг ўзи истиқомат қилаётган ва ёндош маҳалладан тайинланади. “Еттилик” аъзоларини йиғилишлар ва бошқа тадбирларга жалб қилиш фақат фуқаролар йиғини раисининг рухсати билан амалга оширилади, уларнинг вазифа ва фаолият йўналишлари билан боғлиқ бўлмаган вазифаларни юклаш қатъий тақиқланади. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси мазкур талабни бузгани учун давлат ташкилотлари масъул ва мансабдор шахсларини эгаллаб турган лавозимидан озод этишга бўлган жазо чораларини қўллаш бўйича ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирга тақдирлар киритиб боради.

Натижа: “маҳалла еттилиги” фаолиятини ташкил этишда фуқаролар йиғини раисининг роли кескин оширилади. “Еттилик” вакиллари лавозимга тайинлашда тегишли ҳудуд, умуман, маҳалладаги аниқ ҳолатни билган мутахассисларни саралаш имконияти яратилади.

Тўйлар тартибга солинади

Маҳаллалар фаолиятини рағбатлантириш жамғармасига ҳар йили қўшимча 200 миллиард сўм маблағлар ажратилади. Мазкур маблағлар ўз



хизмат биносига эга бўлмаган маҳаллаларга хизмат биноларини қуриш ва жиҳозлаш, болалар майдончаларини ташкил этиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва камбағал оилалар аъзоларининг ишлаш иштиёқини ва ташаббускорлигини оширишга қаратилган “Фаровон ҳаётга илк қадам”, “Ишонч” лойиҳалари ва “Мазрифат орқали камбағалликни қисқартириш” дастурларини амалга оширишга сарфланади.

Аҳоли ўртасида тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солишга қаратилган тарғибот тадбирлари ташкил этилади.

Натижа: 651 та олис ҳудудлардаги маҳаллада истиқомат қилувчи 300 мингдан зиёд аҳолининг ижтимоий фаол бўлиши, 48 мингга хонадоннинг мавжуд муаммолари ҳал этилиши таъминланади.

Жамғармага йилгига қўшимча 300 миллиард сўм тушади

Маҳаллаларга ўз муаммоларини мустақил ҳал этиши учун молиявий имкониятлар кенгайтирилиб, қўшимча манбалар яратилади. Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаси маблағларини қўшимча равишда жисмоний шахслардан олинандиган мол-мулк ва ер солиғи бўйича ундирилган маблағларнинг 15 фоизи, маҳалла ҳудудда санитария, ноқонуний қурилиш бўйича ундирилган жарималарнинг 10 фоизи ҳисобидан шакллантириш амалиёти йўлга қўйилади.

Натижа: жамғармага йилгига қўшимча 300 миллиард сўм маблағ тушади. Жами тушган 767 миллиард сўм маблағ эвазига 2 500 та маҳал-

лага 138 минг дона тунги ёритиш чироклари ўрнатилди. 329 та маҳаллада ички йўллар шағаллаштирилади, 1 708 та маҳаллада саломатлик йўлакчалари барпо этилади. 1 346 та маҳаллада болалар майдончалари ташкил этилади. 1 242 та маҳалла бинолари таъмирланади ва жиҳозланади. 54 та янги маҳалла бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилади.

Маҳаллани ривожлантириш миллий институти ташкил этилади

Маҳаллани ривожлантириш миллий институти (Миллий институт) ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий филиаллари ташкил этилади.

Маҳалла раислари ҳамда маҳалла тизимидаги раҳбар ва мутахассис кадрларнинг аниқ режа-жадвалга асосан, бир йилда бир марта малакаси оширилади. Миллий институтда “Маҳалла бошқаруви”, “Ҳудудий режалаштириш ва ривожланиш”, “Лидерлик ва барқарор ривожланиш”, “Ижтимоий лойиҳаларни бошқариш ва мувофиқлаштириш” таълим мутахассисликлари бўйича магистратура босқичида ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда — бир йиллик, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда — икки йиллик ўқитиш тизими йўлга қўйилади.

Натижа: 20 мингга қкин маҳалла тизими ходимлари ва “маҳалла еттилиги” вакиллари малакасини ошириш тизими ва магистратура таълим мутахассислиги жорий этилади. 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб жами 120 нафар маҳалла тизими ходими ва “маҳалла еттилиги” вакили магистратурада ўқиши ташкиллаштирилади.

“Еттилик” фаолияти иш режаси ижроси асосида баҳоланади

“Маҳалла еттилиги” вакиллари фаолиятини баҳолашда энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари мавжуд ҳолат ҳамда имкониятлардан келиб чиқиб белгиланади. Ҳоким ёрдамчиси фаолиятини КРП асосида баҳолашда “Электрон савдо платформаси”да маҳсулот сотиш кўрсаткичи чиқариб ташланади. “Маҳалла еттилиги” вакиллари иш режаларини буйсунуви бўйича тегишли давлат ташкилотлари билан биргаликда Туман (шаҳар) маҳаллани қўллаб-қувватлаш кенгашлари билан келишиш амалиёти жорий қилинади.

Натижа: “маҳалла еттилиги” фаолиятини баҳолашда энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари мавжуд ҳолат ҳамда имкониятлардан келиб чиқиб белгиланган вазифаларнинг натижадорлигига қараб, самарадорлик кўрсаткичларини баҳолаш амалиёти йўлга қўйилади. Ўз аҳамиятини йўқотган 30 га яқин самарадорликни баҳолаш кўрсаткичлари қайта кўриб чиқилиб, бекор қилинади.

Маҳалла номлари қайта кўриб чиқилади

Маҳаллалар инфратузилмасини такомиллаштириш учун 18,6 триллион сўм маблағ йўналтирилади. Маблағлар маҳаллалар марказини шакллантириш, микроасаноат, хунармандчилик ва хизмат кўрсатиш марказлари, кичик бозор, кичик ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш, касб-ҳунар ва хорижий тилларни ўргатиш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш, ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш, ички йўлларни яхшилашга сарфланади.

Маҳаллаларнинг номлари қайтадан кўриб чиқилади. Географик объектиларнинг номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича ҳудудий комиссиялар барча (жумладан, бир хил номда юритиладиган, номлари талабга жавоб бермайдиган) маҳаллаларнинг номларини уларнинг тарихий номларини ва аҳоли фикридан келиб чиқиб, қайтадан кўриб чиқади.

Маҳаллаларнинг номлари “Рақамли маҳалла” ахборот тизимида маҳалланинг ағона реестри модули орқали юритилиши таъминланади. Кадастр агентлиги ҳар бир маҳалланинг чегараларини кўриб чиқиб, кадастр ҳужжатлари асосида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашларида маҳаллаларнинг чегаралари тасдиқланади. Маҳалла чегаралари чизмаси ҳар бир маҳалла бинолари-га ўрнатилади.

Натижа: 3 500 та маҳалланинг амалдаги номлари уларнинг аҳолиси иштирокида ва фикрлари асосида қайта кўриб чиқилади. Барча маҳаллаларнинг номларини ағона онлайн-реестрда юритиш имконияти яратилади, уларнинг чегаралари аниқлаштирилади.

КУН НАФАСИ

МАҲАЛЛА ПРОФИЛАКТИКАСИ ҲАР ҚАНДАЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛАДИ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

резидентимиз янги тизимни Чилонзор тумани мисолида тушунтириб берди. Туманда жамоат хавфсизлиги куч-воситаларини бошқариш янги ташкил қилинади. Патруль-пост, йўл-патруль, қўриқлаш ва профилактика хизматлари туну кун 3 сменаги хизмат тартибига ўтади. Патруль гуруҳлари-га ҳуқуқбузарлик тўғрисида хабар келиб тушганда, воқеа жойига 5 дақиқа ичида етиб келадиган тизим бўлади. Тумандаги 5 та ички ишлар бўлими бошлиғи



Профилактика инспектори қаерда бўлмасин, аҳоли унинг қўл телефони ва планшетига туну кун боғланиши мумкин бўлади.

ўринбосарлари тунги хизматни бевосита маҳаллада ташкил қилади. Улар тунги вақтда ўз бошиқларига берилган барча ваколатга эга бўлади, мустақил қарор қабул қилади ва масъулиятни ҳам тўлиқ зиммасига олади.

Чилонзор тумани ички ишлар ходимлари соҳаси ва ҳудудидан қатъи назар, фуқаро муносабатини қабул қилади, кўчада формали ходимга қилинган муносабат “102”га хабар берган билан тенг бўлади.

Тумандаги барча 55 та маҳалладаги профилактика инспекторининг хизмат хо-


наси эшиги у билан тезкор боғланиш учун алоқа тумаси билан жиҳозланади.

Кадрлар кўнимсизлигига барҳам бериш, малакаси ва фидоий кадрларни рағбатлантириш доимий эътиборда бўлиши таъкидланди. Шу боис профилактика инспекторларини янада қўллаб-қувватлаш ва уларнинг жамиятдаги обрўсини ошириш бўйича қатор янгиликлар эълон қилинди.

Жумладан, жорий йил 1 июлдан пойтахтдаги профилактика ходимларига айнан шу соҳада кўп йиллик стажига учун 5 миллион сўмгача ойлик устама

берилади. Юридик олийгоҳни битириб, ички ишлар тизимига ишга кирганларга олийгоҳда ўқиган даври ҳам стажга қўшилади. Вилоятдан келиб, пойтахт ички ишлар идораларида ишлаётган ходимларнинг уй ижарасига ойлик тўлов 1,8 миллион сўмдан 3,1 миллион сўмга оширилади. Ички ишлар ходимлари учун қурилатган уйлارнинг 30 фоизи фақат профилактика инспекторларига берилади.

Президент Матбуот хизмати ахбороти асосида тайёрланди.



Ўзбекистонда АТОМ ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ қурилишининг “биринчи бетон” босқичига ўтиш 2026 йил декабрга қолдирилди.



ИНФАРКТ ВА ИНСУЛЬТГА ҚАРШИ КУРАШИШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ 1 майдан Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилоятида ишга туширилади.



Тошкентнинг ТАБИЙ ВЕНТИЛЯЦИЯСИНИ ЯХШИЛАШ УЧУН айрим бинолар қавати қамайтирилади.

2026 йил
28 ЯНВАРЬ,
ЧОРШАНБА

Mahalla №7

3

ОДАМЛАР ДАРОМАД ТОПИШИДА ТАДБИРКОРЛАР ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ!

ТИЛ ЯШАСА, МИЛЛАТ ЯШАЙДИ

ТИЛИМИЗНИ ТИЛАЁТГАН ТИКОНЛАР ЭЪТИБОРСИЗЛИКДАН СУВ ИЧМАСИН!

Ҳар бир миллат ўз она тилининг тараққиёти ҳақида қайғурмаса, у тил бора-бора истеъмолдан чиқиб кетади, яъни унинг ўрнини бошқа тиллар эгаллайди. Шунинг учун ҳам юртимизда она тилимиз софлигини сақлаш, унинг ривожига ҳисса қўшиш йўлида катта ишлар қилинмоқда.



Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

Биламизки, тиллар доимо ўзаро алоқада бўлади ва шу орқали бир-бирининг лугат тарқибини бойитиб боради. Агар мана шу жараёнда меъёр бузилса, фойдадан кўра, зарари кўпроқ етади.

Тўри, четдан кириб келаётган янги сўзнинг муқобили бўлмаса, уни қабул қилиш табиий ҳол. Ушунга сўзлар қайси тилдан кириб келганидан қатъи назар, уларнинг ҳаммаси муқобили бўлмагани учун қабул қилинган ва ўзбек тили бойиган. Лекин мос, муқобили бор бўлса-да, чет сўзлардан фойдаланиш қасддан ўзбек тилига хиёнат қилиш билан баробардир. Масалан, “пресс-конференция”, “фейк хабар”, “эксперт”, “линк” кабиларнинг “матбуот анжумани”, “елгон хабар”, “сохта хабар”, “мутахассис”, “хавола”, “илова” каби муқобиллари бор ҳолда нега бошқа тилдагисини қўллаяпмиз?

Афсуски, бу каби ўзбек тилига ҳурматсизликка ҳар қадамда дуч келяпмиз. Ваҳоланки, француз тилидан олинган “департамент” ўрнига “бошқарма”, “идора”, “бирлашма”, “инновация” ўрнига “ихтиро”, “кашф”, “янгилик” сўзларини қўллаш мумкин.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамалар комиссияси бу борада яхши ташаббусини бошлаб берди. Улар қатор хорижий атамаларнинг ўзбекча муқобилини истеъмолга тақлиф этди. Масалан, “аванс” — “бунак”, “автопилот” — “автобошқарув”, “карвинг” — “уймабезак”, “наждак” — “қумқоғоз”, “парол” — “урон”, “челкенж” — “чорлов” шаклида ёзиш тавсия этилди.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.

Бу мавзуда сўз борганда, маҳалла ва кўчалар номланишидаги ҳаттиқлар, ғализликлар борлигини ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Айрим ҳолатларда маҳалла ва кўча номи ўша ҳудудда яшовчи аҳоли билан келишилмаган, уларнинг фикри инобатга олинмаган. Шу боис “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш” йилида устувор йўналишлар бўйича ислохотлар дастурлари ва “Ўзбекистон-2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича Давлат дастурида бу масалага алоҳида эътибор берилди. Унга кўра, эндиликда географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича ҳудудий комиссиялар томонидан барча (жумладан, бир хил номда юритиладиган, номлари талабга жавоб бермайдиган) маҳаллаларнинг номлари уларнинг тарихий номланиши ва аҳоли фикридан келиб чиқиб, қайтадан кўриб чиқилди. “Рақамли маҳалла” ахборот тизимида маҳалланинг ягона реестри модули орқали юритилиши таъминланади.



Қўллаб олимлар ва тил жонқуярларини бу ташаббус жуда хурсанд қилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти директори, Олий Мажлис Сенати аъзоси Азамат Зиёнинг фикрича, бу, албатта, жуда оқилона иш бўлди!

Шу билан бирга, маҳаллаларни аташда кадр-қиммати ўта юқори тарихий шахслар, масалан, Амир Темури, Имом Бухорий, тарихий воқеалар, масалан, Мустақиллик, Истиқлол сингарилардан қочиб керак. Кўча-кўйларни ҳам аташда ўта эҳтиёткорлик билан иш тутилса, тарихий шахсларимиз ва воқеаларимиз обрў-эътиборини сақлаган бўламиз.

Жараёнда зиёлилар, мутахассислар шу каби янада зийрак ва эътиборли бўлиб, муомалага қираётган четсўзнинг ўзимизга қулайроқ бўлган шаклини ҳозир-жавоблик билан тақлиф этишса, тилимиз софлигини сақлаган бўламиз.

ҲУНАРИ БОР ОДАМ — ҲУРМАТИ БОР ОДАМ

ЯХШИ ЯШАШ, ЯХШИ ПУЛ ТОПИШ УЧУН ХОРИЖГА КЕТИШ ШАРТ ЭМАС

Дехқон учун қиш фаслида ҳам тиним йўқ. Мўл ва баракали ҳосил оламан, деган ер эгаси йил давомида меҳнат қилади, изланади, оиласи даромадини ошириш йўлида интилади.

Бобиржон МЎМИНЖОНОВ, Норин туманидаги “Пастки чўжа” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Б у борада маҳалламиз пешқадам ҳудуд. Хали ердан қиш музламаси кетмай туриб, томорқа ва дала ишлари жадал бошлаб юборилган. Кимдир гидропоника усулида қулпнай парваришлаган бўлса, бошқалар малина кўчалари етиштириш, айримлар картошка экиш билан банд. Муҳими, маҳаллада ҳар кимнинг ўз юмуши бор. Айниқса, камбағаллик ва ишсизликни қисқартиришда “ўсиш нуқта” миздан самарали фойдаланяпмиз.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ўтган Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича 2026 йилдаги асосий вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилишида ҳам бу жиҳат бежизга алоҳида кайд этилмади. Чунки ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш учун маҳаллалар иxtисослашувини чуқурлаштириш зарур.



Дилором Валиева тиним билмас, меҳнатқаш, изланувчан тадбиркор аёллардан. У бўш турган ердан унумли фойдаланиш мумкинлигини англаб, томорқасида замонавий иссиқхона ташкил этди. Бунинг учун 33 миллион сўм имтиёзли кредит олишига кўмаклашди. Шу тарафда 2,5 сотихли иссиқхона ташкил этиб, Жанубий Кореядан олиб келинган 3,6 минг дона қулпнай кўчатини гидропоника усулида парваришлашни йўлга қўйди. Ушбу усулнинг афзалликлари кўп. Аввало, бир вақтнинг ўзида бир неча қаватда маҳсулот етиштирилади. Бу анъанавий усулга нисбатан 2-3 баробар кўпроқ ҳосил олиш, демакдир. Шунингдек, хонадон эгалари турли хил кўчатлар, помидор, лимон ҳамда киви кўчатларини парваришляпти.

5545 нафар аҳоли истиқомат қилувчи маҳалламиз қулпнайчилик билан бирга малина ва картошка етиштиришга иxtисослашган. “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури асосида аҳолига ижарага берилган экин ерларда “Бир контур — бир маҳсулот” тамойили асосида экспортбоп мева ва сабзавот етиштириш йўлга қўйилди. Бунинг учун ўтган йили 40 нафар фуқарога ижара асосида ер ажратилиб, 10 гектар майдонда биринчи экинга юқори даромадли “аризона” навли картошка экилган бўлса, тақрири экинга маккажўхори етиштирилди.

Абдулбосит Рустамов ўзи-га мос иш топа олмагани учун хорижда меҳнат қиларди. Бироқ, яқинлари соғинчи хар доим уни ватанга қайтишига ундарди. Миграциядагилар билан тизимли иш олиб бориш натижасида бу йигитни ватанга қайтаришга эришди. “Еттилик” савий-ҳаракати билан унга имтиёзли кредит ажратилиб, иш фаолиятини бошлашига кўмаклашди. Бугун нафақат ўзи ишли бўлди, балки шогирдлар тайёрлаб, уларнинг ҳам бандлигини таъминламоқда. Асосийси, яқинларининг бағрида. Меҳнат қилган ўз юртида ҳам кадр топишни шу тақдир мисолида кўраётган бошқа тендошлари ҳам ҳаракатга тушишган.

Энг қувонарли ҳолат — айни пайтда ҳудудда ишсизлик 2 фоизни ташкил этмоқда. Йил якунига бу рақамни янада қамайтириш имконияти миз мавжуд.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Носиржон ДИЛМУРОДОВ, Бувайда тумани:

— Мен узок йиллардан бери корхонада юк туширувчи бўлиб ишлайман. Лекин яқинда саломатлигимда муаммолар юзга келиб, шифокорлар оғир юк кўтаришни тақиқлашди. Шу вазиятда нисбатан енгил бўлган иш ўрнига ўтишни сўраб, ариза ёзсам бўладими?

МЕҲНАТ ШАРТЛАРИНИ ЎЗГАРТИРИШ МУМКИН

Лазиз ҚАРШИЕВ, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги мутахассиси:

— Албатта, қонунлар бунга изн беради. Яъни, меҳнат қонунчилиги, бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар ёки меҳнат шартномасида белгиланган ҳолларда ҳодим ишни давом эттираётган бўлса, иш берувчидан меҳнат шартларини ўзгартиришни талаб қилишга ҳақли.

Иш берувчи бўш (вакант) иш ўрни мавжуд бўлган тақдирда, соғлигини ҳолатига кўра, тиббий хулосага мувофиқ, енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсирини истисно этадиган, соғлигининг ҳолати бўйича қарши кўрсатма бўлмаган ишга доимий ўтказиши шарт.

Агар бошқа ишга ўтказилишни рад этсангиз, шунингдек, агар иш берувчида мос бошқа иш бўлмаса, тузилган меҳнат шартномаси рад этганлиги ёхуд иш берувчида тегишли иш бўлмаганлиги муносабати билан Меҳнат кодексининг 173-моддасида назарда тутилган ишдан бўшатиш нафақасини тўлаш ҳамда ва 100-моддасида назарда тутилган кафолатлар тақдим этилган ҳолда меҳнат шартномаси бекор қилиниши мумкин.

ИШ БИЛАНГА БАЛЛИ!

30 МИЛЛИОН СЎМ 500 МИЛЛИОН СЎМЛИК ДАРОМАДГА ЙЎЛ ОЧДИ

Инсон истаса, кўп ишга қодир. Бу фикр исботини Қўштепа туманидаги “Бўстон” маҳалласида яшовчи Кимёхон Зокирова тақдирда кўриш мумкин.

Ҳа, яқинда ҳам камбағаллик исканжасида қийналаётган аёл ўз ҳаракати, маҳалла кўмагида тадбиркорга, ишбилармонга айланди. Айни пайтда кўл остида 60 нафар хотин-қиз меҳнат қилипти. Кимёхон опа бу кўнларга осонлик билан эришмади. Йиллар уни кўп машаққатлар билан сиқайди.



Мафтуна МАМАСИДДИҚОВА, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Фарғона вилояти бошқармаси ахборот хизмати раҳбари.

2011 йилда турмуш ўртоғи оғир хасталик сабаб вафот этгач, уч нафар вояга етмаган фарзанди билан ёлғиз қолди. Қўлида бир хўнари ёки маблағи бўлмагани учун моддий аҳоли ёмонлашди. Болаларининг кундалик эҳтиёжини қондириш учун мавсумий ишларда меҳнат қилди. Аммо даромади рўзгор камини тўлдиришга етмасди. Шунда хонадон соҳибаси уй шароитида ишлаш, болаларини тарбия қилган ҳолда даромад топиш йўлини излай бошлади. Пишириқ тайёрлаш бўйича билим олиб, хўнарини қўшни аёлларга ҳам ўргатди. Шу билан тўхтаб қолиши истамай, қуроқчилик илмини эгаллади. Бироқ тикув машинаси олиш ва ишни кенгай-

тириш учун қўли калталик қилди. Бу вазиятда унга маҳалла кўмак келди, “еттилик” ҳодимлари елка тутди. У “Аёллар дафтари”га кириштирилиб, 30 миллион сўм имтиёзли кредит олишига эришилди. Қисқа вақт ичида кичик хонадонда мўъжаз тикув корхонаси ташкил этилди. 3-4 йил давомида маҳаллий бозорда ўз ўрнига эга бўлди. Кейин қўшни давлатлардан харидор топилди. 30 миллион сўмлик бошланғич маблағ шу тарафда бир неча ўн баробарга кўпайди.

Бугун Кимёхон Зокирова нафақат иш берувчи тадбиркор, балки таълим фидойиси ҳамдир. Негаки, унинг ташаббуси билан нодавлат мактабга таълим ташкилоти фаолияти йўлга қўйилди.

Эътиборли жиҳати, манзилли қўллаб-қувватлаш, ишонч ва имконият берилгани учун ижтимоий кўмакка муҳтож аёл нафақат ўз тақдирини, балки бутун маҳалла аёллари ҳаётини ўзгартирди. Шундай инсонлар бор экан, хонадонларда барака ва жамиятда фаровонлик мустаҳкамланяверади.



Электромобилда такси қилувчиларга давлат пулли тўхташ жойларидан 30 дақиқача БЕПУЛ Фойдаланишга рухсат берилади.



Олий ва касбий таълим битирувчиларига иш топишга кўмаклашувчи “ҚАРЬЕРА” ПЛАТФОРМАСИ ишга туширилади.



ЖАМИЯТДА ФАОЛ БЎЛГАН ФУҚАРОЛАР рағбатлантирилади, уларга давлат хизматларини кўрсатишда 10 фоизгача чегирмалар берилади.

4

Mahalla №7

2026 ЙИЛ
28 ЯНВАРЬ,
ЧОРШАНБА

“ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚАДР-ҚИММАТИ — ШАЪН ВА ҒУРУР МАСАЛАСИДИР!”

АЁЛГА ЭЪТИБОР — ОИЛАГА, ЖАМИЯТГА ЭЪТИБОР

НОЗИК ЖУССАДАГИ
НОДИР ФАЗИЛАТ

Аёллар дардини ҳис қилиш уларни тинглашдан бошланади

Маҳаллада иш бошлаган илк кунимдан ҳудудимизда истиқомат қиладиган барча хотин-қизларни ўз опа-синглимдек қабул қилдим. Ташвиш ва орзу-ҳавасларимни бир четга суриб, уларнинг муаммоларига шерик тутидим. Шу ёндашув асосида аёлларнинг кўнгилдан кечаётган туйғуларини ич-ичимдан ҳис қилиб яшашга киришдим.

Жумагул РИСБОЕВА,
Тошкент туманидаги
“Қорабурик” маҳалласи
хотин-қизлар фаоли.

Аслида, кимнингдир дардини англаш учун, биринчи навбатда, уни сабр билан тинглаш талаб этилади. Доим “етилик” вакиллари билан бирга хонадонларга кирганимизда, шу қоидага қатъий риоя қиламиз. Фуқаролардан вақтимизни аямаймиз. Айрим оилаларда соатлаб қолиб кетамиз. Бу доим ўз самарасини кўрсатади. Аввалига тортиниб, фақат саволларимизга жавоб беришдан нарига ўтмаган кишилар ёрдам бериш учун келганимизни англагач, барча муаммоларини очик-ошкора баён этади.

Охириги вақтда аёлларнинг тadbиркорликка қизиқиши жуда ортган. Идорамизга келаётганларнинг ярмидан кўпи ўз бизнес лойиҳалари бўйича ёрдам сўраётгани бизни қувонтиради. Бундан икки-уч йил аввал маҳалла ходимлари бу бўйича тарғибот ишлари олиб борган бўлса, энди аёллар такдим этилаётган барча имконият ва имтиёزلарни яхши билади.

Биргина ўтган йили ҳудудимизда истиқомат қиладиган 10 нафар аёл имтиёзли кредит асосида ўз тadbиркорлигини йўлга қўйди. Шу орқали 40 нафарга яқин ишсиз опа-синглимизнинг бандлиги таъминланди. Хотин-қизлар, асосан, тикувчилик йўналишида фаолият олиб борапти. Қолаверса, касаначилик асосида яхшигина даромад топаётганлар ҳам анчагина.



Фаолиятим давомида асосий эътиборни оилалар мустақамлигини таъминлаш, хотин-қизларни касб-хунарга ўқитиш, ажрашилларнинг олдини олиш каби жиҳатларга қаратаман. Бу борада маҳалламизнинг нуруний онахонлари ҳамisha менга кўмакчи. Уларнинг олтинга тенг ўғитлари сабаб қанчадан-қанча низоларни бартараф этяпмиз. Янги турмуш бўсағасида турган ёшларга йўл-йўриқ кўрсатяпмиз. Бундан ташқари, ҳар бир аёл билан алоҳида ёндашув асосида ишлаб, ички имкониятларини юзага чиқариши учун шароит яратиб берапмиз.

Аёллар фаолият кўрсатган ҳар бир соҳада уларнинг интеллектуал, ижтимоий ва иқтисодий ёндашуви яққол сезилиб туради. Бу иш унумдорлиги ва ўзига хос натижаларни намоеън этади. Шундай экан, улар нафақат оила, балки бутун миллатнинг келажagini барпо қилишда асосий ҳаракатлантирувчи куч саналади.



Наргиза Айтубаева — шундай интилувчан аёлларимиздан. У уч йилдан буён тикувчилик билан шуғулланади. 4 нафар фуқаронинг ишли бўлишига ёрдам берди. Бундан ташқари, “Устоз-шоғира” анъанаси асосида 5 нафар қизга хунарнинг сир-асрорларини ўргатапти.



Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Шаҳноза
РАҲИМХУЖАЕВА
тайёрлади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

ДАВОЛАНИШ УЧУН МАБЛАҒ АЖРАТИЛАДИМИ?



Малика ХУСАНОВА,
Тошкент шаҳри:

— “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар ва уларнинг фарзандларига даволаниш ва дори-дармон воситаларини олишда қандай имтиёзлар берилган? Шу ҳақда батафсил маълумот берсангиз.

Нилуфар ЮНУСОВА,
Оила ва хотин-қизлар кўмитаси мутахассиси:

— “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар ёки уларнинг вояга етмаган фарзандларига даволаш, дори воситаларини олиб бериш ёки мураккаб жарроҳлик амалиётлари учун маблағ зарур бўлган ҳолатларда, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси ва сектор раҳбари хулосалари билан тиббий муолажа харажатлари “Аёллар дафтари” жамғармаси, Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўлаб берилади.

Бу жараёнда қуйидаги микдордаги харажатлар “Аёллар дафтари” жамғармаси ҳисобидан тўлаб берилади:

- дори-дармон олиб бериш учун БҲМнинг 20 бараваригача (8 млн. 240 минг);
- мураккаб жарроҳлик амалиётлари учун БҲМнинг 100 бараваригача (41 млн. 200 минг).



Банан дарахти фақатгина иссиқ ва нам иқлимли минтақаларда ўсади, деб ўйласангиз адашасиз. Кейинги йилларда ўзбекистонлик тажрибали деҳқонлар ҳам ушбу цитрус мевани етиштиришнинг ҳадисини ола бошлади.

Нигина ШОЕВА,
журналист.

Ўрчи туманидаги “Кўклам” маҳалласида яшовчи 82 ёшли Ойсоат ая Холматова томорқасидаги 4 сотихли иссиқхонада уч йилдан буён банан, папайя, мандарин ва апельсин каби мевалардан мўл ҳосил оляпти.



— Иссиқхонамиздаги асосий меҳнатни ўғилларим ва келинларим қилади, — дейди 82 ёшли Ойсоат ая Холматова. — Мен фақат уларга йўл-йўриқ кўрсатиб, маслаҳат бериб тураман. Асосий эътиборни соғлиқ учун фойдали маҳсулотлар етиштиришга қаратганмиз. Мақсадимиз — фақат даромад топиш эмас, шу билан баробар одамларга наф келтириш, аслида. Ҳар кунни эрта тонг иссиқхонани бир айланиб чиқсам, кун давомида ўзимни енгил ҳис қиламан, кайфиятим кўтарилади. Пешона тери билан топилган даромадимизни хайрли ишларга сафарбар этамиз.

Юзидан нур ёғилиб турган Ойсоат ая билан биргаликда баландлиги 3,5-4 метр келаётган бананзорни айланар эканмиз, бир лаҳза ўзимизни тропик мамлакатларга тушиб қолгандек ҳис қилдик. Айниқса, ташқарини оппоқ қор қоплаган палла бундай манзара кишига ўзгача баҳорий кайфият бахш этади.

Аслида, банан етиштиришнинг ҳам ўзига яраша қийинчиликлари кўп. Барча агротехника тadbирлари ўз вақтида бажарилса, қўзланган натижага эришилади. Хонадон вакилларининг таъкидлашича, ҳар бир кўчат 20-30 килограммгача ҳосил беради. Серқуш заминимизда етиштирилган бананнинг сифати четдан келтирилдиганидан анча устун. Шу боис харидори кўп. Хосили йиғиштириб олинганч, новда тағидан кесиб ташланади. Ўрнидан икки-учта шох кўкариб чиқади ва жуда тез ўсади.

ОҚИЛАЛИК — ОИЛА БЕЗАГИ

Иссиқхона — иссиққина даромадга баҳона

Томорқа — худди хазина каби. Меҳнат қилганингиз сари сизга даромад келтираверади. Қиш мавсумида эса иссиқхоналардан фойдаланиш аини муддао. Шу мақсадда хонадонларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, сабзавот ва полиз экинларини етиштиришни кенгайтириб, аҳоли талаб ва эҳтиёжини қондиришга катта эътибор қаратяпмиз.

София ЖАЛИЛОВА,
Олот туманидаги
“Хосабўйи” маҳалласи
хотин-қизлар фаоли.

Соҳа нафақат аҳолини сифатли ва арзон қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш, балки кўплаб оилалар учун барқарор даромад манбаига айланиши билан ҳам муҳим аҳамиятга эга. Маҳалламизда яшовчи Юлдуз Отақулова ҳам томорқасида иссиқхона ташкил этиб, даромади орқали рўзғорига барака киритаётганлардан.

Тиниб-тинчиманган бу аёл кун бўйи экинлар оралаб юради. Уларни суғоради, бегона ўтлардан тозалайди, меҳр билан парваришлайди. Маҳсулотлардан олинган илк ҳосилни кўни-қўшнилари ҳамда қариндош уруғларига илинади.

Ўтган йили сентябрь ойида иссиқхона ери тайёрланиб, унга такрорий экин сифатида помидорнинг серҳосил “Аламина” навига мансуб 700 туп кўчат ўтқазилди. Бугунга келиб миришқор хонадон аҳли иссиқхонадан 3 тоннадан ортириб сархил помидор ҳосили олишни кўзлаб турибди.



Отақуловлар ҳисоб-китобига кўра, иссиқхонадан бир мавсумда, биргина ҳосилдан эриштиладиган даромад салмоғи 50 миллион сўмдан кам бўлмайди. Муҳими, барқарор ишлашга ўрганган меҳнаткаш оила йилига бу ердан уч марта ҳосил олишга, ўзи билан бирга маҳалладошлари дастурхони тўқинлигини таъминлашга баҳоли қудрат ҳаракат қиляпти.



1 февралдан “Камбағал оилалар реестри”га киритилган оилалардаги ўқувчи-талабаларнинг ШАРТНОМА СУММАСИНING 50 ФОИЗГАЧА ҚИСМИ тўлаб берилади.



Камбағал оилалардаги ёшлар учун сафарбарлик чақирuvi резервидаги ҳарбий хизматни БЕПУЛ ўТАШ ТАРТИБИ жорий этилади.



Автобус, метро, самолёт, поездларда симсиз ёки мобил интернет тармоғи орқали “MUTOLOAA” ПЛАТФОРМАСИДАН ФЙДАЛАНИШ имкониятлари яратилади.

2026 йил
28 ЯНВАРЬ,
ЧОРШАНБА

Mahalla №7

5

“ИСТЕЪДОДЛИ ЎФИЛ-ҚИЗЛАР — ЭЛ-ЮРТИМИЗНИНГ ФАХРИ!”

ЖАҲОЛАТ ЖАРЛИК ДЕМАК

КИТОБ ЎҚИГАН ОДАМ ФИКРЛАЙДИ, ФИКРЛАГАН ОДАМ ХАТОСИНИ ТУШУНАДИ

...Тасаввур қилинг, йигирма беш ёшлардаги бир йигит. Ҳаётда адашди, хато қилди ва бугун жазони ижро этиш муассасасида. Кунлар бир хил: тартиб, сукут, деворлар орасида ўтади. Бир кун у шунчаки вақт ўтказиш учун кутубхонадан китоб олади. Аввал мажбуран, кейин қизиқиб, охири ўйлаб ўқий бошлайди. Уша пайт у билмаган нарса шуки, энди бу китоб нафақат унинг фикрини, балки тақдирини ҳам бироз ўзгартириши мумкин...

Сожида ЭШМАТОВА.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2026 йил 15 январда имзолаган тегишли қонун айнан шу гоғна ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлади. Аввал ҳам маҳкумнинг тузалиш йўлига ўтгани, тартибга амал қилгани, меҳнатда фаол бўлгани инобатга олинди. Суд жазони енгиллаштириши ёки муддатини қисқартириши мумкин эди. Агар олдин китоб ўқиш маҳкум учун шунчаки яхши хулқ белгиси бўлган бўлса, энди у аниқ ўлчовга эга бўлган, суд орқали мустаҳкамланган ҳуқуқий имкониятга айланади.



Энди ҳаммаси қонунда очик-ойдин ёзиб қўйилди: агар маҳкум тасдиқланган рўйхатдаги, маънавий-ахлоқий кадрларни шакллантиришга қаратилган китобларни ўқиса, унинг жазоси ҳар бир китоб учун 3 кунга қисқартирилиши мумкин. Албатта, бу чексиз эмас, бир йил давомида кўпи билан 30 кунгача. Бу тартиб умрбод озодликдан маҳкум этилган шахсларга татбиқ этилмайди, аммо қолган белгиланган тоифадаги маҳкумлар учун ҳақиқий имконият яратлади.

Энг муҳими, “ўқидим” деб айтишнинг ўзи етарли эмас. Маҳкум ариза беради, махсус комиссия тузилади. Комиссия таркибида муассаса ходимлари билан бирга жамоатчилик вакиллари ҳам бўлади. Улар суҳбат ёки имтиҳон орқали китоб ҳақиқатан ўқилгани, мазмуни тушунилгани, шунга аниқлайди. Комиссия ҳулосаси прокурорга юборилади, маҳкумнинг ўзига имзо қўйдириб топширилади, ҳимоячига эса сўров бўлса берилади. Шундан кейингина муассаса маъмурия-

ти судга жазони қисқартириш ҳақида тақдимнома киритади ва яқиний қарорни фақат суд қабул қилади. Бу ўзгаришларнинг замирида муҳим мақсад ётибди: инсонни фақат қамаб эмас, ўзгартириб жамиятга қайтариш керак. Китоб ўқиган одам фикрлайди, фикрлаган одам эса хатосини тушунади. Қамқодан шунчаки муддатини ўтаб чиққан эмас, балки дунёқараши ўзгарган инсон чикса, бу жамиятнинг ҳам ютуғи ҳисобланади.

ЕТАКЧИ — ЁШЛАРГА КЎМАКЧИ

Бугун бир йигитга берсангиз ишонч, эртага ўнлаб ёшга бўлади таянч

Бир имконият эшиги очилса, ёшларни тутиб бўлмайди. Улар ўзига ишонч топади, меҳнатга меҳр қўяди ва орзулари томон дадил парвоз қилади. Ёшлар билан ишлаш жараёнида бир ҳақиқатга кўп бор амин бўлдим: бугун бир йигитга берилган ишонч ва кўмак эртага бутун жамоага таянч бўлиб қайтади.

Шухрат ҲАЙИТБОЕВ, Хонқа туманидаги “Аҳиллик” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Ундай ёшларимиздан бири — Бекзод Уктамов. У 12 ёшдан бошлаб эшик ва дераза ишлаб чиқариш соҳасида меҳнат қилади. Дастлаб шогирд сифатида устозлар ёнида меҳнат қилди, хунарнинг сир-асрорларини сабр билан ўрганди. Уч йил давомида тинимсиз меҳнат ва интилиш натижасида, 15 ёшидаёқ уста даражасига етди. Бугун у дераза ва эшикларни мустақил, сифатли тайёрлай олади. Энг муҳими, навқирон йигит ҳеч қачон “эрта” ёки “кеч” деган баҳонага берилмади, фақат олдинга интилди.



Ёш тадбиркорни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳоким ёрдамчиси билан ҳамкорликда унга 500 миллион сўмлик кредит ажратилишига кўмаклашдик. Бу маблағ Бекзод учун шунчаки молиявий ёрдам эмас, балки ишонч рамзи бўлди. Ана шу ишонч асосида у ўз фаолиятини кенгайтди, талабдан келиб чиқиб, пластик ва алюминий эшиклар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Бугунги кунда ишлаб чиқариш

ҳажмига қараб, ўртача ойлик даромади 20-25 миллион сўмни ташкил этмоқда. Энг қувонарлиси, ҳозир унинг қорхонасида 8 нафар доимий иш ўрни яратилган, яна 10 нафарга яқин ёшлар ёнида хунар ўрганиб, келажак касбига пойдевор қўймоқда. Кеча ўзи шогирд бўлган Бекзод бугун бошқаларга устоз, суянч ва йўл кўрсатувчи бўлиб турибди.

Мен ёшлар етакчиси сифатида ишонч билан айта оламан: агар биз ёшларга имкон берсак, уларни қўллаб-қувватласак, йигит-қизлар, албатта, натижа кўрсатади. Бекзоднинг ҳаёт йўли бунинг ёрқин исботидир. Бугун бир йигитга елка тутсак, эртага у ўзи билан яна ўнлаб ёшларга суянч бўлиб қайтади.

КИМДА ИҚТИДОР ЙЎҚДИР...

...ҲАР БИР ТЕРГАН ҲАРФИ — САБРНИНГ ГУВОҲИ, ҲАР БИР ҲАРАКАТИ — ЖАСОРАТНИНГ НАМУНАСИ

Ҳаёт синовларга тўла. Кимдир бу синовлар қаршида омиш қолади, яна кимдир эса уларни енгиб ўтиб, янада чиниқади. Синовларни жасорат билан қарши олиш, турмуш зарбаларига бардош бериш — юраги кенг, руҳи қудратли инсонларга хос. Орамизда шундай инсонлар борки, уларнинг борлигининг ўзиёқ бизга илҳом ва куч бағишлайди.



Нилуфар МУРОДОВА.


Сўх туманидаги “Себзор” маҳалласида истиқомат қилувчи 17 ёшли Қудратуллох Қодиралиев ана шундай кучли руҳ соҳибларидан биридир. Унинг болалиги синовлар билан ўтмоқда: қўл-оёқлари ишламайди. Аммо у бирор марта ҳам “мен қила олмайман” деган сўзни тилига олмади. Чунки умид унинг юрагидега доим ёниб турган чироқ эди. Туман ҳокимлиги, “маҳалла етиллиги” ҳамда Инсон ижтимоий хизматлари маркази кўмағида Қудратуллохнинг болалик орзуларидан бири рўёбга чиқди — у бугун шахсий компьютерга эга. Замонавий технологияларга қизиққан ёш учун бу жуда катта қадам. Эндилда кўни-кўшилар, маҳалла ахли телефонлари ишламай қолса ёки дастурий муаммо юзага келса, дарҳол Қудратуллохга мурожаат қилишади.

— Ёшлигимдан дастурлашга қизиқман, — дейди у кўзлари чакнаб. — Телефонларни бемалол тузатаман, дастурини қайта ўрнатаман. Ҳозир рас ва ўзбек тилларини онлайн тарзда ўрганиман.

Этиборлиси шундаки, Қудратуллохнинг асосий даромад манбаи унинг қўллари эмас, балки лаби ва бурнидир. У клавиатурадаги ҳарфларни айнан шулар орқали тезда. Ҳар бир уриниш, ҳар бир босилган тугма, бу — оддий меҳнат эмас, бу — унинг мустақиллиги, ҳаёти, эркин нафасидир. Жисмоний имконияти чекланган бўлишига қарамай, у ҳаракатда. Сабабини сўраганимизда, оиласига ёрдам бераётганини айтади. Қўл-оёғи ишламаса ҳам, мавжуд имкониятлардан фойдаланиш мумкинлигини ана шу мурғак юрак бизга яққол кўрсатиб бермоқда. Унинг айтишича, бир кунда 100-200 минг сўмгача даромад топтомоқда. Қудратуллохнинг асосий мақсади янада юксак — ногиронлиги бор инсонларга намуна бўлиш. Гуё ҳар бир ҳаракати билан: “мен қила олсам, сиз ҳам қила оласиз”, — дея даъват этаётгандек. Унинг ҳар бир ишида умид бор, ҳар бир ёзган сўзида шуқур мужассам. Қудратуллохнинг асосий ҳулосаси шуки, инсон руҳига ҳеч қандай чеғара йўқ. Имкониятлар чексиз. Энг катта бойлик эса ҳаётни яхшиликка бағишлаш, инсонларга фойда келтириш, ҳар кунни шуқур билан бошлаш ва шуқур билан яшашидир. Қудратуллохнинг ҳар бир терган ҳарфи — сабрнинг гувоҳи, ҳар бир ҳаракати — жасоратнинг намунаси. У бизга ҳаётдаги энг катта тўсиқлар танамизда эмас, балки руҳимизда эканини яна бир бор исботлади.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Кўчма савдо учун солиқ имтиёзи борми?



Самандар РАҲМОНОВ. Қашқадарё вилояти: — Ёш тадбиркор сифатида кўчма савдонини ташкил қилмоқчиман. Мазкур фаолиятни йўлга қўйсам, қандай солиқ имтиёзлари мавжуд?

Азизхон АДҲАМЖОНОВ, Тадбиркорлик ва солиқ ҳуқуқи бўйича эксперт, адвокат:

— 2028 йил 1 январга қадар магистраль йўллар бўйида кўчма савдо фаолиятини ташкил қилган 30 ёшгача бўлган ёшлар фаолиятнинг дастлабки олти ойи давомида олган даромадлари бўйича солиқ тўлашдан

озод этилади. Ушбу тартиб солиқ кодексининг 483-моддасида келтирилган. Мисол учун, сиз йўл бўйларида ўтириш жойлари ташкил қилмасдан кофе ёки тез тайёр бўладиган маҳсулотлар, яъни “фаст фуд” савдоси билан шуғуллансангиз, олган даромадларингиздан олти ой давомида солиқ тўловларидан озод этиласиз.

Саҳифани “Mahalla” муҳбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.



Ўзбекистонда инсульт ва инфарктили беморлар учун “ОЛТИН СОАТ” СТАНДАРТИ тасдиқланди.



Олий Мажлисида ОАВда муҳокамага сабаб бўлган масалалар юзасидан АМАЛДОРЛАРНИНГ АХБОРОТИНИ ЭШИТИШ тартиби жорий этилади.



Техникумларда дуал таълимда ўқиётган ўқувчиларга БҲМНИНГ БИР БАРАВАРИ МИҚДОРИДА СТИПЕНДИЯ тўлаш йўлга қўйилади.

“МАҲАЛЛА — ИЖТИМОЙ БИРДАМЛИК МАНБАИДИР!”

ИНТИЛГАНГА ИМКОНИАТ ЧЕКСИЗ

Когон туманининг Баҳоуддин Нақшбанд номидаги маҳалласида яшовчи Зилола Тиллаева уй бекаси, 4 нафар фарзанднинг онаси. Оиладаги катта ўғил — Султонжоннинг болаликдан ногиронлиги бўлиб, 14 ёшга кирганига қарамай, таълимга жалб қилинмаган эди.

МЕҲР-МУРУВВАТ ТАФТИНИ ХИС ҚИЛИБ ЯШАШ ЯХШИ

Зарнигор НАФИДДИНОВА, журналист.

Маҳаллада ўтказилган хатлов жараёнида ижтимоий ходим оила ҳолатини ўрганиб, Султонжоннинг таълим тизимидан четда қолганини аниқлади. Онасига инклюзив таълим бўйича зарур тушунтиришлар берилиб, фарзандини тегишли муассасага жалб этиш бўйича амалий кўмак кўрсатилди. Оиланинг эҳтиёжидан келиб чиқиб, индивидуал хизматлар режаси тузилди.



Ҳозирда Султонжон кундузги парвариш хизматида жалб қилиниб, унинг ривожланиши ҳамда ижтимоий мослашуви учун барча шароит яратиб берилган. Хонадон вакиллари “Қамбагал оилалар реестри”га киритилиб, бағал тақдим этаётган имтиёз ва имкониятлардан унумли фойдаланиляпти.



Биринчи навбатда, Зилола Тиллаевага болалар нафақаси тайинланди. Шунингдек, табиий газ ва электр энергияси бўйича бир марталик моддий ёрдам тўлаб берилди. “Саховат ва кўмак” жамғармаси ҳисобидан кийим-кечак ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди.

Кўрсатилган хизматлар оиланинг ижтимоийлашуви яхшилашга, болаларнинг таълим ва парвариш тизимига қўшилишига ёрдам берди. Энг муҳими, улар ўз ҳаётида меҳр ва мурувватнинг тафтини хис қилди. Қайфияти кўтарилиб, аввалгидан кўра хотиржам ва фаровон турмуш кечира бошлади.

ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ

“МУАММОГА ЕЧИМ ИЗЛАБ, ЧАРЧОҚ ЭМАС, БАХТ ТУЯМАН”

Муҳтожларга ёрдам бериш, бу — нафақат инсонийлик бурчи, балки жамиятнинг жипслиги ва маънавий юксаклигини белгиловчи асосий мезон ҳисобланади. Бугунги кунда юртимизда олиб борилаётган ислохотларнинг асосий мақсади фақатгина моддий ёрдам бериш билан чекланиб қолмай, балки руҳий ҳамда маънавий қўллаб-қувватлашдан иборат.



Моҳира УСМОНОВА, Сайхунобод туманидаги “Нурли йўл” маҳалласи ижтимоий ходими.

Маҳалламиз мисолида бунинг амалдаги ижросини кўриш мумкин. Худудимизда 3 435 нафар аҳоли истиқомат қилади. 595 та оила ва 740 та ҳужалик мавжуд. Аҳолининг ижтимоий таркибини таҳлил қилиш орқали ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифалар аниқ белгилаб олинган ва улар билан манзилли иш тақшил этилган.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Шаҳноза РАҲИМҲУЖАЕВА тайёрлади.

Маҳаллада 35 та кам таъминланган хонадон, 41 та болалар нафақаси олувчи оила мавжуд бўлиб, уларга ижтимоий ёрдам чораларини белгилашда даромад манбалари ва оила таркиби чуқур ўрганилади. Шунингдек, 19 нафар ногиронлиги бўлган бола ва 86 нафар имконияти чекланган катта ёшдаги фуқаро қайд этилган. Бу кўрсаткич тиббий-ижтимоий йўналтириш, психологик қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқий маслаҳат хизматлари га бўлган эҳтиёж юқори эканини кўрсатади. Бундан ташқари, 7 нафар ўзгалар парваришига муҳтож шахс ва 1 нафар ёлғиз яшовчи кекса билан алоҳида иш олиб боришмоқда.



Ўтган йили 382 нафар фуқаро турли йўналишларда ижтимоий хизмат ва ёрдам билан қамраб олинди. Сўнгги бир ой ичида 65 нафар фуқарони моддий ёрдамга йўналтирдик, уларга ҳуқуқий маслаҳат бериб, бандлигини таъминладик.

Фаолиятим давомида инсонларнинг ҳаётига чуқурроқ кириб боришга, муаммоларини илдиришга қадар ўрганишга интиламан. Шундагина уларнинг шароитини яхшилаш, тўғри йўналиш бериш мумкинлигини яхши биламан. Тажрибам ортиб, халққа яқинлашганим сари уларга қанчалик керак эканимни хис қилапман. Ҳар куни тонг отар экан, ҳаёлан кимнингдир муаммоларига ечим излайман. Бундан чарчоқ эмас, бахт туяман. Умуман олганда, маҳалламизда ижтимоий ҳимоя тизимидagi ислохотлар аҳолининг аниқ эҳтиёжларига таянган ҳолда амалга оширилмоқда. Бу эса ижтимоий сиёсатнинг маҳалла даражасида самарали таътиб этилаётганини, инсон қадри ва фаровонлиги устувор вазифа этиб белгиланганини яна бир бор тасдиқлайди.

СИЗ ЁЛҒИЗ ЭМАССИЗ...

“ШОДЛИГИГА ҲАМРОҲ, ТАШВИШИГА ШЕРИКМАН”

Бу дунёда бир кўнгли кемтик инсоннинг дардига малҳам бўлишдан ортиқ бахт йўқ. Елкама-елка туриб, унинг муаммоларига ечим топиш, ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш эса жамиятда ўзаро тенглик муҳитини юзага келтиради. Шу маънода бугун маҳаллаларда кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар эҳтиёжмандларнинг мушқулдини осон қилишда катта аҳамият касб этмоқда.

Элбек ШОЙИМКҲУЛОВ, журналист.

Урта Чирчиқ туманининг Ким Пен Ха номидаги маҳалласида ҳам ана шундай эзгу ишларнинг амалий намунасини яққол кўриш мумкин. Худудда 4 226 нафар аҳоли истиқомат қилиб, уларнинг 62 нафари ногиронлиги бўлган шахс сифатида рўйхатга олинган. Ижтимоий ходим шу каби ёрдамга муҳтож кишиларнинг ҳолатини ўрганиб, уларнинг эҳтиёжига мос тарзда кўмак кўрсатмоқда.



— Фаолиятим давомида давлатимиз яратиб бераётган имконият ва имтиёزلарни ўз вақтида ҳамда тўғри етказиш орқали муҳтож оилаларнинг ҳаётига ёруғлик олиб киришга интиламан, — дейди Ким Пен Ха номидаги маҳалла ижтимоий ходими Висола Норматоҳунова. — Шу орқали зимманга юклатилган масъулятни адо этаётганимдан бахтиёрман. Ҳар бир ўйлови ижобий ечим топган фуқаро билан бирга шодланаман. Қийналганларнинг ташвишига шерик бўламан.

Маҳаллада истиқомат қилувчи II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс Йўлдош ота Азимов ёлғиз яшовчи ногирон шахс сифатида рўйхатга олинган. Унга “Фаол ҳаётга қадам” дастури доирасида уй шароитида ижтимоий-маиший хизмат ҳамда тиббий-ижтимоий реабилитация хизмати кўрсатилди. Шунингдек, тўлиқ тиббий кўриқдан ўтказилди ҳамда бепул дори-дармон воситалари билан таъминланди. Моддий ёрдам пули тайинланиб, қўлтиқ таянч воситаси ҳам тақдим этилди. Бу каби инсонпарварлик йўлидаги ташаббуслар жамиятда меҳр-оқибат, ҳамжихатлик ва ғамхўрлик муҳитини янада мустаҳкамламоқда. Маҳалладаги ҳар бир эзгу иш, ҳар бир меҳрли қўл, инсон ҳаётига ёруғлик олиб кираётганини эса бугун маъмур йиғинида яққол кўриш мумкин.



ҚУТЛОВ

Ҳар лаҳзада илм, ҳар қадамда маърифат

Нурбой Жабборов — замонавий ўзбек адабиётшунослигининг забардаст вакилларида бири, филология фанлари доктори ва профессор. У нафақат олим, балки мумтоз адабиёт ва жадидшунослик соҳаларида чуқур тадқиқотлар олиб борган заҳматкаш ижодкордир. Олимнинг илмий ишларидан файласуф ҳикмат топса, адабиётчи бадиий қувват олади, тарихчи манбаларни қиёслаб, матншунос ўқиганларига сайқал беради.

Гуландом ТОҒАЕВА, филология фанлари номзоди, Чирчиқ давлат педагогика университети доценти.

Унинг қаламига мансуб “Маърифат надири”, “Замон, мезон, шеърят”, “Адабиёт ва миллий маънавият”, “Маоний аҳлининг соҳибқирони” сингари асарлар илм ихлосмандлари учун маҳбуб ва манзур китоблар сирасига қиради. Устознинг миллий адабиётшунослигининг нодир асарлари таҳлили, ўзига хос талқини ҳақидаги ишланмалари, адабий портретлари, тараққиёт тамойилларига оид илмий-назарий ишларини дунё адабий жа-

моатчилиги кенг эътироф этган. Француз маърифатпарвари Дени Дидро ёзганидек, киши ўқишдан, ўқиганларини таҳлил қилишдан тўхтаб, тафаккур қилишдан тўхтаб қолмайди. Шу маънода Нурбой Жабборов нафақат йилдан-йилга, балки кун сайин яшариб бораётган, тирик адабий жараёни ўзига сезимлар билан англаб, янгича талқин қилаётган, тафаккури улкан, заҳматкаш илм фидойисидир. Устозни дастлаб қалами ўткир журналист, шижоатли сўз саркори сифатида таниганман. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасидаги “теша тегмаган” мақолалари, “Тафаккур” журналидаги унумли фаолияти хотирамда забардаст сўз соҳибининг ёруғ ижо-

дий ёлқини сифатида қолган. Бир куни устозни Ўзбекистон Миллий университетига учратиб қолдим. Ёнига бориб салом бермоқчи бўлдим. Масофа узоқлик қилди. Устоз шаддам қадамлар билан юриб, олийгоҳга кириб кетди. Уша куни Нурбой Жабборов докторлик илмий ишини ҳимоя қилган экан. Кейинчалик олим шу даргоҳга ишга келди. Баъзида устознинг ҳузурига бориб, турли илмий масалаларда маслаҳат сўрадим. Номзодлик илмий ишини ёзиб тугатган бўлсам-да, уни мустаҳкамлаш учун улкан назар эгаларининг маслаҳати керак эди. Бу инсоннинг бирор масалада кўмак сўраган кишига “вақтим йўқ”, “шошиб турибман, бошқа пайт келинг”, деган сўзини сира эшитмадим.



Нурбой Жабборовнинг жуда тиник, ҳавас қилгулик қувваий ҳофизаси бор. Шу пайтгача ўқиган китоблари, ундаги иқтибосларнинг барчаси ёдда. Ҳар сафар устоз билан гаплашиб туриб, ўзим билмаган қўллаб маълумотларни оламан. Ҳазрат Навоийнинг мен билмаган мисраларини таҳлил қилиб берганда, “новот шимган” каби уларнинг мазмунини узоқ вақт ўйлаб юраман. Ижодкор илмий тушунчанинг “гулини гулига қўйиб”, фикрга зەб берадиган қалам “деҳқони”.

Илмий иш ёзиш бадиий ижоддан катта фарқ қилади. Унда услуб ва мақсадни англаш, муаммони уртага ташлаш ва ечишда аниқлик, алоҳида нуктадонлик муҳим. Нурбой устознинг ўғитларидан шу ҳақиқатни англадим. Биргина “Маоний мулкининг соҳибқирони” сарлавҳасига эътибор беринг. Бу жумла ҳазрат Алишер Навоийга қарата жуда топиб айтилган. Устознинг шу китоби ҳар бир илм эгасининг столи устида туриши керак, деб ўйлайман. Ўзим ҳам тез-тез уни ҳавас билан қўлга оламан. Айниқса, янги бир ҳикмат, ўғит қидирганимда, изловим рўйхатида шу манба дардимга дармон бўлади. Сўз санъаткорининг нодир топилмалари кўнглининг энг нозик нуқталарига қадар етиб борганда, унинг таъсирчанлиги янада ортади. Ўқувчининг қалбидан мустаҳкам ўрин олган асар эса мангу барҳаёт. Шундай бебаҳо ҳазина яратган Нурбой Жабборов ҳамisha адабиёт ихлосмандларининг севимли ижодкори бўлиб қолаверади.



“Оғир” маҳаллалардаги БЎШ ЕРЛАР ВА ДАВЛАТ ОБЪЕКТЛАРИ бошланғич нархи пасайтирилиб, сотувга чиқарилади.



Қорақалпоғистон, Хоразм, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд ва Фарғонада “ҚАСБЛАР ШАҲАРЧАЛАРИ” ташкил этилади.



Умумий узунлиги 32 километрни ташкил этадиган “Урганч – Хива” йўналишида ПУЛЛИ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛИ қурилади.

2026 йил
28 ЯНВАРЬ,
ЧОРШАНБА

Mahalla №7

7

“ҲАЛОЛ МЕҲНАТ — ХОТИРЖАМ ҲАЁТ ВА ФАРОВОН ЖАМИЯТ ГАРОВИ”

МЕНДА САВОЛ БОР...

Сухроб АҲРОРОВ,
Наманган вилояти:

— “Soliq” мобил иловасида “Ота-онам солиқларини тўлаш” бўлимида отамнинг қарзи кўрсатилган, бироқ у кишининг номида уй-жой мавжуд эмас. Қарздорликни қандай бартараф этиш мумкин?

“ОТАМНИНГ СОЛИҚЛАРИ КЎРСАТИЛГАН, ЛЕКИН УЙ-ЖОЙ ЙЎҚ...”

Алимжон ФАЙЗИБОВЕВ,
Солиқ кўмитаси раиси ўринбосари:

— Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган тегишли ер участкалари ва бошқа кўчмас мулклар, шунингдек, уларнинг мулкдорлари тўғрисидаги маълумотларни давлат солиқ органлари аниқ вақт тартибда онлайн шаклда тақдим этади. Айна шу маълумотлар асосида солиқ органларида жисмоний шахсларнинг ер ва мол-мулк солиқлари инсон омилсиз, автоматик тарзда ҳисобланади.




Яъни агар рўйхатдан ўтказувчи орган сизга 5 сотих ер майдони тегишли деб кўрсатган бўлса, солиқ ходими уни ўз хошига кўра 6 сотих қилиб ўзгартира олмайдди. Солиқ факат рўйхатдан ўтказувчи орган берган маълумот — яъни 5 сотих ер майдонига нисбатан ҳисобланади.

Шу боис, агар мобил иловада ер ва мол-мулк солиқлари ҳисобланган объектлар ёки уларнинг эгалари тўғрисидаги маълумотларда тафовут ёки хатоликлар аниқланса, фуқароларга кадастр (рўйхатдан ўтказувчи) ташкилотларига мурожаат қилиш тавсия этилади. Чунки солиқ органларига узатилаётган маълумотлар айнан шу базадан олинади.

Агар кадастр маълумотлари базасидаги хатолик бартараф этилиб, тўғрилانган маълумотлар солиқ органларига узатилса, нотўғри ҳисобланган солиқ қарзи автоматик равишда бекор қилинади. Бу жараёнда солиқ тўловчидан алоҳида ариза ёки қўшимча ҳаракат талаб этилмайди.

Саҳифани
“Mahalla”
муҳбири
Шаҳноза
ХАЛИЛОВА
тайёрлади.



СОЛИҚЧИ — КЎМАКЧИ

СОЛИҚЧИ БЎЛИШ, БУ — ИНСОНЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ, ТУШУНТИРИШ ВА ИШОНЧНИ МУСТАҲКАМЛАШ ДЕМАКДИР

Ўзи севган касбини танлаган инсон вақтнинг қандай ўтиб кетганини сезмайди. Чунки у чарчамайди, аксинча, қилаётган ишидан куч ва илҳом олади. Касбга муҳаббат — инсонни олға етаклайдиган энг катта рағбатдир.

Элдор ДЕҲҚОНОВ,
Ховос туманидаги “Мустақиллик” ва “Афросиёб” маҳаллалари солиқ инспектори.

Солиқ ходими касби ҳам ана шундай масъулият ва садоқат талаб қилади-ган, жамият барқарорлигига бевосита хизмат қиладиган шарафли касбдир. Хар бир тўғри қарор, хар бир ҳалол амал орқали солиқ ходими адолат ва ишонч пойдевори-ни мустаҳкамлайди. Мен ҳам ушбу масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда, халқимга сидқидилдан хизмат қилиб кел-моқдам.

Бугунги кунда 2026 йил учун белгиланган солиқ ис-лохотларини тадбиркорлик субъектлари ва ўзини ўзи банд қилган шахсларга тушунтиряпмиз. Мисол учун, Дилрабо опа Аскаралиева озиқ-овқат маҳсулотлари чакана савдоси билан шуғулланади. Аввал фаолиятини катта назорат-касса машинаси орқали олиб борар, бу жараёнда чек 2 фоизлик миқдорда расмийлаштирилади. Бугун эса янги тартиблар йўлга қўйилгани ҳисобига хар бир савдо амалиёти 1 фоизлик чек орқали расмийлаштирилади.



Шунингдек, ҳудудимизда фаолият юритаётган 24 та фермер хўжалигининг солиқ қарздорлиги биринчи ўн кунликда тўлиқ бартараф этилди. Банкрот бўлган ер хўжалиги белгиланган тартибда давлат захирасига қайтарилди. Ҳозирда икки маҳалладаги фермер хўжалиқларининг 28 таси солиқларни ўз вақтида тўлаб, фаолиятини барқарор давом эттирмоқда.

Албатта, айрим ҳолларда қўшимча саволлар ва тушунмовчиликлар ҳам учраб туради. Масалан, аукцион орқали ютиб олинган ёки янги со-тиб олинган, бироқ ҳали рўйхатдан ўтказилмаган ер майдонларида қурилган уйлар буйича кадастр ҳужжатлари мавжуд бўл-маса, солиқ ҳисоблашда муаммолар юзага кела-ди. Кадастр ҳужжатлари “Эътироф” ААТ дастурига киритилган, 2-3 йиллик солиқ суммаси ҳисобла-нади ва айнан шу жараёнда айрим эътирозлар пайдо бўлади.

Бундай вазиятларда биз солиқ тўловчилар билан биргаликда кадастр идораларига мурожаат қилиб, Давлат хизматлари марказлари орқали ҳужжатларни тўғрилай-миз. Натижада солиқлар қонуний асосда қайта ҳисобланади ва масала ижобий ҳал этилади.

Хулоса қилиб айт-ганда, солиқ тизимида ишлаш инсонлар билан мулоқот, тушунтириш ва ишончни мустаҳкамлаш демакдир. Ана шу ишонч эса жамият тараққиёти-нинг энг муҳим таянчи-дир.

БАРҚАРОР БЮДЖЕТ

“САВДОНИ QR-КОД ОРҚАЛИ АМАЛГА ОШИРМОҚЧИМАН”

Президентимизнинг “Якка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда ўзини ўзи банд қилган шахслар учун қулай шарт-шароит яратиш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори тадбиркорлик фаолиятимга катта ижобий таъсир кўрсатди. Мазкур ҳужжат асосида жорий этилган энгилликларни солиқ инспектори батафсил тушунтириб берди.

Зиёбой ФАТТОВЕВ,
Термиз шаҳри
“Турон” маҳалласи.

Аввалги тизимни эсласам, у анча мураккаб эди. Хар бир савдо-сотикни амалга ошириганимизда терминалда чек кешишимиз керак бўларди. Касса аппаратида ҳам алоҳида чек чиқариш талаб этилар эди. Икки жараённи бир-ма-бир бажариш, айниса, мижозлар кўп бўлган кунларда жуда кўп вақт ва куч талаб қиларди. Хар бир мижоз билан ишлашда бу жараён бизни бироз чарчатди, иш самарадорлигини секинлаштирди.

Ҳозир вазият бутунлай бошқача. Энди битта илова орқали барча касса аппаратларини бошқаришимиз мумкин, ойлик ёки йиллик тўловларни алоҳида амалга оширишга ҳожат қолмади. Айниса, солиқ инспектори тавсияси билан “Халис” хизматидан фойдаланганимиздан сўнг, ишимиз анча энгиллашди. Солиқлар 4 фозидан 1 фозизга қисқарди. Шунингдек, терминал ва онлайн касса мосламалари-дан фойдаланиш тадбир-корлар учун қўшимча қулай-ликлар яратди. Бухгалтерия ҳисоботларини хизматнинг ўзи юритиб беради, бу эса бизга вақт тежаш имконини берди.



Буларнинг барчаси солиқ инспекторининг биз билан ҳамжиҳатликда иш олиб бораётганида, деб биламан. Унинг ёрдами билан яна QR-кодни шакллантириб, дўконимга олиб қўйишни режалаштиряпман. Харидорлар ўз телефонлари орқали кодни сканер қилиб тўловни амалга ошириши мумкин. Бу нафақат улارга қулайлик туғдиради, балки бизнинг ишимизни ҳам анча энгиллаштиради.



НУҚТАИ НАЗАР

РЎЙХАТГА ОЛИШ ХАВОТИРМИ ЁКИ КЕЛАЖАК УЧУН ЗАРУР ҚАДАМ?

Сўнги кунларда айрим фуқаролар орасида бир савол кўп янграяпти: “Нега рўйхатга олиш жараёнида уйимиздаги аҳоли сони билан бирга, товукларимиз, дарахтларимиз, чорвамизгача сўралапти? Давлатга бунинг нима кераги бор? Бу яна солиққа тортиш эмасми?”

Отабек БАКИРОВ,
иқтисодчи, жамоатчилик фаоли.

Чиги, бундай саволлар кўпчиликни бироз хавотирга солгани рост. Шу ўринда энг муҳим гапни эслатиш керак: ушбу рўйхатга олиш ишлари ҳеч қандай янги солиқ жорий қилиш ёки қўшимча мажбурият юклаш учун ўтказилмайди. Бунинг солиққа умуман алоқаси йўқ. Шундай экан, хавотирга ҳам ўрин йўқ.

Унда савол туғилади: аҳолини рўйхатдан ўтказиш тушунарли, лекин нега кишлоқ хўжалиги — ҳовлидаги дарахт, товук, мол-қўйгача сўралапти? Гап шундаки, бутун республика бўйлаб аҳоли рўйхатга олинаётган бир пайтда, кишлоқ хўжалиги ҳолатини ҳам бир йўла аниқлаб олиш овоза бўлишни ҳам, ортиқча харажати ҳам камайтиради. Акс ҳолда, 2-3 ой ўтиб яна, хонадонлар эшигини тақиллатишга тўғри келади.



Бунинг ортида жуда оддий, лекин муҳим мақсад бор — мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва келажак аграр сибёсини тўғри режалаштириш. Қайси ҳудудда қанча чорва бор, қаерда боғ-роғ кўп, қайси жойда сув ёки ем-хашак етишмаяпти — буларнинг барчаси қуруқ статистика эмас, балки эртанги кун учун “йўл харитаси”.



Масалан, бир ҳудудда чорва сони кўп, аммо сув ва ем базаси етарли эмаслиги аниқланса, давлат олдиндан чоралар кўради: сув чиқариш, ем етиштиришни кўпайтириш, логистика масалаларини ҳал қилиш. Акс ҳолда, бир неча йилдан кейин гўшт ёки сўт маҳсулотлари танқислиги юзага келиши мумкин. Демак, бугунги аниқ маълумот — эртанги муаммоларнинг олдини олиш демакдир.

Шу боис рўйхатга олиш жараёнида берилган саволларга имкон қадар тўғри ва аниқ жавоб бериш муҳим. Атайлаб нотўғри айтилган рақам катта жазога олиб келмаслиги мумкин, лекин у нотўғри ҳисоб-китобларга, ортиқча ишга ва охир-оқибат нотўғри қарорларга сабаб бўлади. Бу эса ҳаммага зарар.

Албатта, бундай пайтда фуқароларнинг хавотирини мулақо ўринсиз, деб бўлмайди. Бу табиий. Шу ўринда энг муҳим қафолат — ишонч. Давлат ташкилотлари халқ билан очик ва ҳалол ишла-ши, маълумотлар нимага ишлатилишини тушунтириб бериши керак. Айтиш мумкинки, бугун “маҳалла етичилиги”, Статистика кўмитаси ана шу ишончини шакллантиришга ҳаракат қиляпти ва бунга эришяпти ҳам.

Хулоса шуки, рўйхатга олиш — назорат эмас, солиқ эмас. Бу — келажакни режалаш, ресурсларни тўғри бошқариш ва халқ фаровонлиги учун зарур бўлган аниқ қарорлар пойдевори. Шунинг тушунган ҳолда, хар биримиз бу жараёнга хотиржам ва масъулият билан ёндашсак, фойдаси ўзимизга қайтади.



14 ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан содир этилган жинсий жиноятлар учун УМРБОД ОЗОДЛИҚДАН МАҲРУМ ЭТИШ жазо чораси белгиланади.



НИКОҲ ЁШИГА ЕТМАГАН ШАХСНИ УНАШТИРГАНЛИК учун унинг ота-онасига нисбатан маъмурий жавобгарлик қўлланилади.



Воёга етмаганларга нисбатан жинсий ва зўравонликка оид жиноятларни тергов қилиш ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИНГ МУТЛАҚ ВАКОЛАТИГА ўтказилади.

“МАҲАЛЛА ТИНЧ ВА АҲИЛ БЎЛСА, ЖАМИЯТ ТИНЧ, ҲАМЖИҲАТ БЎЛАДИ”

ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА

“БУ ИШ ВАКОЛАТИМИЗГА КИРМАЙДИ” ДЕЙИШНИ КАСБГА ХИЁНАТ, ДЕБ БИЛАМАН”

2025 йил 3 апрель куни хизмат ҳудудини айланиб юргандим. Бирдан аёл кишининг бақир-чақирини эшитиб, зудлик билан товуш келган томон югурдим. Борсам, йигирмага яқин фуқаро тўпланган, аёл эса 4-5 яшар болани қўлидан қўймай, йиғилганлардан ёрдам сўради. Боланинг тили орқага кетганини билгач, тезда биринчи ёрдам кўрсатдим. Сўнг оилавий поликлиникага олиб бордим. Шу тарзда мурғак болажоннинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Музаффар МУЗАФФАРОВ,
Бобкент туманидаги
“Тераклик” маҳалласи
профилактика инспектори.

ри зиммасига ҳам улкан вазифа юкланган.

Сўнгги йилларда соҳадаги ўзгаришлар боис ишимиз самарадорлиги ошди. Жумладан, жорий йил қабул қилинган “Республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш йўналишида яхлит манзилли ишлаш тизимини жорий этишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори юртимиздаги ҳар бир маҳаллани нафақат обод, балки чинакам хавфсиз ҳудудга айлантириш йўлидаги ақлли қадам бўлди. “Менинг инспекторим” иловаси, “E-nizoli oila” модули

ўрганишлар олиб борганимизда кўп ҳолларда майда безорилик ёки ўғрилиқнинг замирида ишсизлик ёки ижтимоий ёрдамга муҳтожлик ётганини кўрамиз. Шу асосида фуқарога ёрдам берганимиздан кейин ўз-ўзидан муаммо ҳал бўлади. Мухими, бугун ана шу “ёрдам бериш” воситаси куйи тизимнинг ўзиде яратилган.

Келинг, сўзим қуруқ бўлмаслиги учун мисоллар келтираман. Миграциядан қайтган Шохжаҳон Раҳмонов анча пайт бекор юрди. Унга таклиф этган иш ўринлари ва имтиёзли кредитни рад этди. Бекор-

га қараб, профилактика ишлари олиб бордим. Бу жараёнда назоратда турувчи йигит билан яқин алоқада экани шубҳа уйғотди. Вазиятни ўрганганимда, ўша маҳалладоши Шохжаҳон номига кредит расмийлаштириб, пулни ўзлаштироқчи бўлганини аниқладим. Шу боис ҳолатни унга тушунтириб, бундай қилмасликка кўндирдим. Шу тарзда навбатдаги эҳтимолий фирибгарлик жиноятининг олди олинди.



Йиллар кесимида таҳлил қилсак, 2025 йилнинг биринчи чорагида 2 та жиноят содир этилиб, “сарик” тоифага тушиб қолгандик. 2026 йилнинг шу кунигача бирорта кўнгилсизлик кузатилмади. Натижада “яшил” тоифага ўтдик. Жиноятларни жилволашнинг бир қатор омиллари бор. Жумладан, асосий йўл бошлари, ички кўчалар кузатув камераси билан таъминланган. Бундан ташқари, жамоатчилик асосида ёшлардан иборат тунги посбонлар гуруҳи ташкил этганмиз.

Шу ўринда бир таклиф билдирмоқчиман. Фаолиятимизда нотинч оилалар билан ишлашга тўғри келади. Гоҳида эр аёлини калтаклаши, шафқатсиз муносабатда бўлиши кузатилади. Тазйиқ ва зўравонликка учраган бундай аёлларга химоя ордери берамиз. Лекин шу ҳужжатни ҳар ойда янгилаб туриш керак. Чунки қонун бўйича химоя ордери 30 кун муддатгача берилади. Бу эса ортиқча вақт, меҳнат талаб қилади. Агар имкони бўлса, химоя ордери камида 5 йилга берилса, фаолиятимиз аянда самарали бўларди.



Бунинг асосида “еттилик”ка ишонч турибди. Чунки оиладаги “қўйди-чикди” муаммолари, ғам-ташвишлар маҳалла кўмагида ҳал этилади. Жараёнда биз — профилактика инспекторла-

аҳоли билан масофаимизни янада яқинлаштирди.

Гарчи кўп бора айтилган бўлса-да, яна такрорлайман — ижтимоий профилактика жазо эмас, балки кўмақдир. Масалан,


чиликда бирор нохуш воқеа иштирокчиси бўлиб қолмасин, деган фикрда у билан яқиндан ишладим. Қаерга бориши, нималар билан шуғулланиши, кимлар билан вақт ўтказиши-

МЕНДА САВОЛ БОР...

Қандай ҳолатда никоҳдан ажралиш ҳақидаги ариза рад этилади?

Нилуфар САЛИМОВА,
Фориш тумани:

— Фуқаролар кўпинча никоҳни бекор қилиш учун қайси идорага ва қандай тартибда мурожаат қилишини билмайди. Шу масала бўйича батафсил тушунтириш берсангиз.



Ушбу сондаги барча мақолалар матинини мустақил Форуза ФУЗАЙЛОВА ўқиди.

Собир НАБИЕВ,
Жиззах вилояти
судининг фуқаролик
ишлари бўйича судлов
ҳайъати судьяси:

— Бу каби мурожаатлар икки хил тартибда амалга оширилади. Қонунчиликка асосан, агар тарафлар ўртасида фарзандлар бўлмаса ва эр-хотин никоҳдан ажралишга рози бўлса, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш идораларига мурожаат этишлари мумкин.

Шу билан бирга, гарчи тарафлар ўртасида фарзандлар бўлса-ю, эр ёки хотиннинг бири муомалага лаёқатсиз, деб топилган-



да ва бедарак йўқолганда, содир этган қилмиши учун 3 йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш муассасасида сақланаётган бўлса, ФХДЕга ариза киритиш белгиланган.

Шунингдек, бу каби ишларни суд тартибда кўриш амалиёти ҳам мавжуд. Яъни, тарафлар ўртасида низо бўлганда ва юрридагилардан бошқа ҳолатларда, мол-мулк низоси юзга келганда, туманлараро фуқаролик ишлари судига мурожаат қилинади. Лекин бу вазиятда айрим истиснолар бор. Яъни, тарафлар турмушидан фарзанд туғилиб, бир ёшга тўлмаган бўлса, эр никоҳдан ажралиш ҳақида хотиннинг розилиги билангина судга даъво ариза кирита олади.

Бу жараёнда аризага никоҳ гувоҳномаси, фарзандларнинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома нусхалари, даромад манбаалари ҳақидаги маълумотлар илова қилинади. Шу билан бирга, никоҳдан ажралиш ҳақидаги масала судга қадар маҳалладаги яраштириш комиссияларида кўрилгани тўғрисидаги далолатнома ҳам тақдим этилиши керак.

ҲУҚУҚНИ БИЛМАСЛИК — АЙБ!

Ёлғончининг ёлғонлари фош бўлди

Ёки нега одамлар тез ва кўп алданади?

Деярли ҳар кун оммавий ахборот воситалари орқали фирибгарлик қурбонлари ҳақида ҳаётий ҳикоялар эшитамиз, кўрамиз, ўқиймиз. Лекин нега бу иллат камайиш ўрнига кўпаяверади? Нега одамлар бунчалар тез ва осон алданишади? Таҳлилларга кўра, бунинг бир қанча сабаблари бор. Кимдир осон ишга, ўқишга киришни, кимдир тез бойишни истаб, тайёр ўлжага айланмоқда.



Алибек МЕЛИБОВЕВ,
Фарғона вилояти суди
масъул ходими.

ажрибамда бундай воқеаларга кўп гувоҳ бўлганман. Масалан, Салимаҳон (исм шартли) умр йўлдошининг вафотидан сўнг ҳалол меҳнат билан икки фарзандини оқ ювиб, оқ тараб, воёга етказди. Катта ўғли иқтисодчи бўлишни орзу қиларди. Пойтахтдаги ўқув даргоҳларидан бирга кириш учун астойдил интилди. Шу сабабли “ўғлимни ўқишга киритаман”, деб “таниш” излай бошлади. Тезда топилган “таниш”ига минг машаққатда йиққан пулларини қўш-қўллаб тутқазди. Минг афсуски, ўғил ўқишга кира олмади. “Таниш” панд берди.

Яқинда шунга ўхшаш воқеа Фарғона вилоятида ҳам кузатилди. Аввал ички ишлар тизимида ишлаган фуқаро бир неча ҳамюртини чув туширди. Жумладан, маҳалладоши А.Мирза-

евнинг ишончига кирган ҳолда унинг жиянини мансабдор танишлари орқали ички ишлар органига ишга киритишни ва тиббий кўриқлардан муаммосиз ўтказиб қўйишни ваъда қилиб, 6 минг АҚШ долларини қўлга киритди. Шунингдек, яна бир жабранувчи Т.Иўлдошевдан ҳам жияни М.Мамасолиевни ички ишлар идораларига ишга кириш учун тиббий кўриқдан ўтказиб қўйиш эвазига 2 минг АҚШ доллари олган. Бундан ташқари, собиқ ходим таниши А.Мўйдиновни давлат университетида бирга ишга киритишга қабул қилинишини айтиб, алдаб, 1,5 минг АҚШ доллари ва 700 минг сўм пулларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.



Аmmo бузоқнинг югургани сомонхонагача, деганларидек, кўрилган тезкор чора-тадбирлар натижасида ёлғончининг ёлғонлари фош бўлиб, қўлга олинди.

Терговга қадар текширув давомида, судланувчи ҳақиқатдан ҳам фуқароларни алдаб, коррупция йўли билан маблағларни олгани тасдиқланди. Жиноят ишлари бўйича Олтиариқ тумани судида унинг хатти-ҳаракатларига нисбатан ҳуқуқий баҳо берилди. У узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.

